

Ташқи савдо сиёсати



Ташқи савдо сиёсати

Ташқи савдо сиёсати – савдо түсиқлари (тариф ва нотариф) ёрдамида ташқи савдо ҳажмларини давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ бўлган макроиқтисодий сиёсатнинг тури



Тариф тўсиқлари

Тариф тўсиқлари – турли бож тарифларни
қўллаш билан болиқ бўлган ташқи савдо
чеклаштирувчилари

Импорт ва
экспорт божи

Импорт
товарларига
солинадиган акциз
солиқ

Импорт
товарларнинг
қўшимча
қийматидан
олинадиган солиқ

Божхона тўловлари


Нотариф түсиқлар

Нотариф түсиқлар –
божлар киритиш билан
болық бўлмаган ташқи
савдо чекловлари

Импорт
квоталари


Ихтиерий
экспорт
чекловлари

Бюрократик
түсиқлар



Тарифлар киришишнинг иқтисодий оқибатлари

Импорт тарифлари киритилганда:



Тарифлар киритишнинг иқтисодий оқибатлари

Истеъмолчиларнинг соф йўқотишлари = a+b+c+d

a



Миллий ишлаб
чиқарувчиларга
келиб тушади

b



Давлатнинг ютуғи,
давлат бюджетига
келиб тушади

c



Тарифнинг ишлаб
чиқариш самараси
– арzon импорт
масулотдан Қиммат
миллий масулотга
талабнинг
ўтиши билан халқ
фаровонлиги
пасаяди

d



Тарифнинг
истеъмол самараси
– истеъмолнинг
мажбурий
қисқарилиши
туфайли халқ
фаровонлиги
пасаяди

Миллий фаровонлигининг соф
йўқотишлари

Ҳимоя тарифининг даражаси

Тарифнинг киритилиши нафақат мазкур масулот ишлаб чиқарадиган тармоқни ҳимоя Қилади, балки ушбу тармоқни ресурслар билан таъминлайдиган тармоқларни ҳам ҳимоя Қилади
ҳимоя тарифнинг номинал ва ҳақиқий даражалари ажратилади

ҳимоя тарифнинг ҳақиқий даражаси – бутун бир тариф тизимининг фаолияти натижасида тармоқда яратилган маҳсулот бирлигининг қўшимча Қиймати Қанчага ошганлигини кўрсатади.

$$Tr = \Delta WA / WA$$

Tr – ҳимоя Қиладиган тарифнинг ҳақиқий даражаси

ΔWA – тариф тизимининг фаолияти натижасида маҳсулот бирлигига қўшимча Қийматининг ўзгариши

WA – тариф киритишдан олдин маҳсулот бирлигига қўшимча Қиймат

Савдо сиёсатининг бошқа тўсиқлари

Экспорт субсидиялари

Экспортни рагбатлантириш учун давлат томонидан миллий ишлаб чиқарувчиларга субсидиялар, шу жумладан имтиёзларни бериш

Демпинг

Бозорда ўз таъсир доирасини кенгайтириш ва рақибларни йўқотиш мақсадида махсулотни таннархидан паст нархларда сотиш

Нарх дискриминацияси

Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бозорда ўз таъсир доирасини кенгайтириш мақсадида ишлаб чиқаруви томонидан ўз масулотига ҳар хил нархларни Қўйиш (масалан, ички бозорда баланд нархлар, ташқи бозорда эса паст нархларни белгилаш)

Компенсация (демпингга Қарши) божлари

Чет эл экспорт субсидияларни бетараф қиласиган импорт божлари

Протекционизм сиёсати

Протекционизм ҳимоясига келтирилладиган асосий далиллар

Миллий хавфсизликни таъминлаш зарурияти

Янги тармоқларни ҳимоя Қилиш

Иш билан бандликни, аҳоли даромадларини, соғ экспортни, жами талабни ва натижада иқтисодий ўсиш ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш

Иқтисодиет кам диверсификациялашганлиги учун уни диверсификация Қилиш зарур

Демпингдан ҳимоя Қилиш

Протекционизмга Қарши далиллар

Миллий хавфсизликнинг ошиш харажатлари ҳимоя Қилинадиган маҳсулотнинг истеъмолчиларига юкланди

Ҳимоя Қилинадиган тармоқни танлашда хатога йўл қўйиш мумкин; рақобатдан ҳимоя Қилинган тармоқ узоқ муддатда ишлаб чиқарадиган маҳсулотнинг сифати ва нархи бўйича жаҳон андозалардан орқада Қолиши мумкин; ҳимоя Қилинган тармоқларда маҳсулотга юқори нархлар қўйилгани учун истеъмолчилар зарар кўради

Бу самара вақтинчалик бўлади, чунки ички чоралар натижасида экспорт масулотининг ҳажми камаяди ва бу ўз навбатида экспорт тармоқларида иш жойларни Қисқартирилишига олиб келади. Экспортнинг импортдан ошиши (тариф чораларни киритилганлиги сабабли) доимий бўлмайди, чунки бу миллий валюта курсини ошишига ва ўз навбатида экспортнинг камайишига олиб келади

Протекционизмга Қарши далиллар

Фақатгина кам диверсификациялашган мамлакатлар учун аҳамиятга эга. Диверсификация юқори иқтисодий харажатларга олиб келиши мүмкин

Нисбий афзалликлар ва демпинг ўртасидаги фарқларини ажратиш қийинчилиги. Ички бозордаги рақобатнинг заифланиши истеъмолчиларнинг зарар кўришларига олиб келади

Протекционизмга алтернатив вариант

Миллий хавфсизликни таъминлайдиган тармоқларга түғри субсидиялар ажратилиши харажатларнинг текисроқ тақсимланишига олиб келади

Янги миллий тармоқларга вақтингачалик түғри субсидияларни ажратиш

Экспортга Қаратилган тармоқларда иш билан бандликнинг кенгайиши учун солиқ ва бошқа рағбатларни самаралироқ қўллаш

Ривожланаётган Қайта ишлаб чиқарадиган тармоқларга вақтингачалик түғри субсидияларни ажратиш

Демпингга Қарши Қонун чиқариш.
Демпингга Қарши божларни киритиш

Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо обороти (айланмаси)

Кўрсаткичлар	2000 й.	2001 й.	2001 й. 2000 й. га нисбатан %
Ташқи савдо обороти, млн. долл. АҚШ	6212,1	6401.8	103.1
Экспорт, млн. долл. АҚШ	3264.7	3264.9	100.0
Импорт, млн. долл. АҚШ	2947.4	3136.9	106.4

Ўзбекистон Республикасининг асосий ташқи савдо ҳамкорлари

